



### ***ШАИХ РОГИБ МУСТАФО ГАЛВАШ***

Мисрлик устоз корилардан, ўзининг бетакрор кироатлари билан бутун Ислом оламида шухрат қозонган Шайх Рогиб Мустафо Галваш (рахматуллохи алайх) шу йил рабиъул охир ойининг 27 кунда фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилди.

Шайх Рогиб Мустафо Галваш Мисрнинг Танто вилоятига қаршли Бирма қишлоғида 1938 йили 7 майда таваллуд топган.

Отаси Мустафо Галваш ўглининг катта амалдор бўлишини орзулаб, уни умумий таълим мактабига бермокчи бўлади, лекин Аллох таолонинг иродаси отанинг иродасидан устун келади. Кўпчилик кишлок ахолиси фарзандларини «Азхари Шариф»да таълим олишини истар, шу боис болаларига Куръон ёдлатишга каттик эътибор беришар эди. Ана шундай кишилардан бири, Мустафо Галвашнинг бир якин кариндоши, унга ўглини Куръон ёдлаши учун кироат илми устозларига топширишни маслахат беради. Аллох таолонинг фазлу мархамати билан бола тезда Куръон ўқишга киришиб кетади ва 10 ёшга етмасданок хофизи Куръонлик шарафига муваффақ бўлади. У ўзининг гўзал овози, чиройли кироати билан билан устозу муаллимларнинг эътиборини тортади ва тез орада корилик билан ном чикаради.

---

---

Рогиб Куръонни ёд олиб бўлгач, Бирма кишлогидаги шайх Абдулганий Шарковийнинг кўлида тажвид илмини эгаллайди. 14 ёшга етганда унинг довруги кўшни кишлокларга хам ёйилиб, хатто уламолар кароргохи хисобланган Танто шахрига хам етиб боради. 15 ёшида, яъни 1953 йилдан бошлаб кўшни шахар ва кишлоклардан таклиф бўлиб, Куръон йигинларида кироат килиб беришни бошлайди. У ўз илмини мустахкамлаш максатида шайх Мустафо Исмоил ва Халил Хусарий каби йирик кироат устозларини етиштирган Танто шахрига келиб, у ердаги «Ахмадийя» масжиди қошидаги кироат институтига ўқишга киради ва кўплаб мўътабар олимлардан, хусусан, шайх Иброхим Таблихийдан таълим олади.

Шайх Рогиб айтади: «Шайх Мустафо Исмоилнинг бизнинг минтакамиздан чиккани менга кўп кулайлик тугдирар ва катта далда бўлар эди. Мен доим у кишига таклид килар эдим. Тонтога келиб, «Ахмадия» маъҳадида шайх Иброхим Таблихийнинг кўлида тажвид ахкомларини ўргандим ва у кишидан Варш кироатини ҳам таълим олдим. У киши кироат илмини ва татбикини пухта эгаллашимда менга жуда катта ёрдам берди.

Маъҳадда хар куни Куръон тиловат килиб берардим. Кироат килганимда одамлар мени ўраб оларди. Аллох таолонинг фазли билан аста--секин кўплаб инсонларнинг калбидан жой олдим. Сабаби – мен хамма учун севимли бўлган шайх Мустафо Исмоилга таклид килиб ўқир эдим».

Шайх Рогиб Галваш йигитлик давридаёқ анча машхур бўлиб кетди. 20 ёшга етганда харбий хизматни ўташ учун Кохирага жўнади.

Шайх Рогиб шундай дейди: «Мен харбий хизматда бўлишимга карамай, доимо «Масижиди Хусайний»га бориб турар эдим. Мисрнинг бундай катта масжидида бир оят бўлса хам кироат килиш хамиша орзум эди. «Кани энди, мен хам шу масжидда азон айтиб, Куръон ўқиб берсам», деган хаёл кўнглимдан ўтди.

Бир куни Масжид имоми шайх Хулумийга ўзимни таништирдим ва у кишига Куръондан баъзи оятларни ўқиб бердим, кироатим у кишига маъкул келди. У кишига истагимни ошкор айтдим ва азон айтишга хамда намоз такбиридан олдинги ўн оятли кироатни адо

этишга менга рухсат беришини сўрадим. У киши: «Шайх Тохо кеч коладиган бўлса, майли, асрга азон айтиб, ундан кейинги кироатни ҳам килиб бераверасан», деди. Дуойим ижобат бўлиб, Шайх кеч колди. Мен Шайх Мустафо Исмоилга таклид килиб азон айтдим ва Аллох ёрлакаб, азон айна Мустафонинг азонидек чикди, хатто одамлар тараддудланиб ҳам колди. Хамма менга карар, мен эса аскар кийимида эдим. Кейин Куръони Каримдан кироат килдим. Одамлар кироатни тўхтатмаслигимни, оятларни такрорлашимни талаб килишар, турли олқишлар билан мени шижоатлантиришар эди. Шу тарика кироат ярим соатга чўзилиб кетди.

Намоздан сўнг хизмат жойимга кайтдим. Шодлигим ичимга сигмасди. Ўзимга бўлган ишончим ортиб, кироатга янада рағбатим ошган эди. Кейин кўмондон харбий масканимиздаги масжидни ҳам менга топшириб кўйди ва истаган пайтимда ташкарига чиқишимга ҳам рухсат берди. Мен бундан унумли фойдаланиб, «Масжиди Хусайний»га кўпрок катнайдиغان бўлдим. Аста--секин шу ерда танилиб бордим. Бу масжид шайх Халил Хусарий, шайх Тохо Фашаний каби улуг устоз корилар, шайх Мухаммад Газолий каби буюк алломалар дарс айтган кутлуг бир масжид эди. У ерда Куръон ўқишни барча ёш корилар орзу киларди».

### ***«Масжиди Хусайний»дан радиога***

Рогиб Мустафо Галваш Масжиди Хусайнийда танилиб, аста--секин эл-юр ва давлат масъуллари қошида хурматга эришиб борди. Улар Шайхни катта--катта жамоатлар олдида кироат килишига шароит яратиб, рухлантиришар эди. Бу йигинларда у шайх Мустафо, шайх Хусарий, шайх Абдулбосит каби машхур ва мўътабар корилар ёнидан жой олди. Шу билан бирга, ушбу масжид оркали, аникроги масжид ходимларидан бири устоз Хаммоднинг тавсияси билан Миср радиосида кироат килиш шарафига ҳам эга бўлди. Устоз Хаммод ўша пайтда радио мудири эди.

**Радио уюшмасига килган илк ташрифини Шайх Рогиб куйидагича хикоя килади:**

«Радио уюшмасига белгиланган вақтда етиб бордим. У ерда бир юз олтиштача кори бор эди. Улар менинг аскар кийимида эканимни кўриб: «Ха, сен кўрикчи аскарларданмисан?» дейишди. Мен уларга: «Мен сизларнинг сафдошингизман, мен ҳам сизларга ўхшаб имтихонга келганман», деб жавоб бердим. Улар хайрон бўлиб қолишди. Шу пайт хизматчилардан бири мени давраларнинг бирига чакирди. Имтихон икки йўналишда эди: бири кироат бўйича, иккинчиси овоз бўйича. Мени кироат даврасига олиб киришди. У ерда Доктор Мухаммад Абу Захра, шайх Санусий, доктор Абдуллох Мозийлар хакамлик киларди. Овоз имтихони даврасида эса устоз Махмуд Хасан Исмоил (танikli шоир), устоз Хусний Хадидий, устоз Мухаммад Хасан Шужоъийлар хакам эдилар. Хакамлар менга ўқишим керак бўлган оятнинг бошини ўқиб эшиттирдилар. Мен яхши ўқим бердим, шекилли, хакамлар кироатимни мактаб, овозимни эҳтиёт қилишимни тайинлашди. 20 кундан сўнг радиодан чакирик келди. Мен «Азхар»даги кироат маъҳадига бориб, имтихон натижаларини сўрадим. Маъҳаднинг шайхи менга: «Эй Рогиб! Сен хайъат аъзоларининг барчасини лол қолдирибсан. Улар сенинг хифзда ҳам, тажвидда ҳам, пухталиқда ҳам анча юкори даражада эканингни таъкидлашяпти», деди.

Кейин радио уюшмасига бориб, натижалар эълонини кўрдим, 160 та иштирокчи ичидан саралаб олинган 7 нафар корилар каторидан жой олибман. Энди навбат овозимизни имтихон қилишга келган эди. Айти пайтда мен жуда ҳам хурсанд эдим, чунки радиога чиқиш йўлининг тўртдан уч қисмини деярли босиб ўтган эдим. Шайх Мустафо Исмоил, шайх Миншавий, шайх Абдулазим Зоҳир, шайх Бахтимий, шайх Алий Банно, шайх Абдулбосит каби машхур кироат юлдузлари, юксак шухрат соҳибларининг каторига қўшилиш имконияти тугилган эди. Бир ой ўтиб--ўтмай овоз ёзиш студиясига бордим. Аллохнинг фазли билан кироатим жуда яхши чиқди, барча хайъат аъзоларининг юзида мамнуният кўрдим ва яна ҳам хотиржамроқ ўқий бошладим, хатто ўзимни хайъат аъзоларининг олдида эканимни унутиб ҳам кўйдим. Улар ҳам мени имтихон

килаётганларини эсдан чиқариб қўйишгандек, мени тўхтатмай индамай эшитиб ўтираверишди. Мен уларнинг Аллох берган овозимдан завкланиб, тажвидни адо этишдаги харакатимдан хайратга тушаётганларини сезиб турардим. Бу тахминимни тиловатдан сўнг қилган суҳбатимиз асносида улар ўз сўзлари билан тасдиқладилар ва менга овозимни эҳтиёт қилишимни айтдилар.

Орадан 20 кун ўтиб, хизматни тугатиб, харбий гувоҳнома билан кишлогим Бурмага кайтдим. Хеч қутилмаган ҳолат юз берди: кишлоқ аҳли мени ўзгача шуқуҳ билан қутиб олишди. Хаммалари шоду хуррам. Мени бағирларига босиб, табриклашарди. Мен эса нима бўлаётганини тушунмасдим. Уларга: «Нима гап ўзи? Ахир мен аскарликдан қайтиб келдим, холос-ку!» дердим. Улар: «Ие, сен ўзинг хали хушхабарни эшитмадингми?» дейишди. «Канака хушхабар?» дедим. «Суратинг ва номинг хамма газета-ю журналларда босилиб чиқди-ку!» дейишди. Билсам, «Аскар қори» сарлавҳаси остида мен ҳақимда бир мақола хам чоп қилинган экан. Бу нарса мен учун Ватан хизматини шараф билан яқунлаганим учун бир тухфа бўлди гўё. Шодлик устига шодлик бўлди. Мен «радио қориси» бўлиш шарафига эришган энг ёш қорилардан бўлдим, чунки ўшанда мен 24 ёшда эдим».

Шундай қилиб, Роғиб Мустафо Галваш шайх Мустафо Исмоил, шайх Абдулбосит, шайх Миншавий, шайх Алий Банно каби устоз қорилар орасида ўз ўринига эга бўлди. Хатто баъзан катта--катта йигинларда қақирилган иккита қоридан бири шу киши бўларди. «Абдулбосит қори бўлмай қолса, ўрнига Галвашни айтинглари», «Мустафо Исмоил бўлмай қолса, ўрнига Галвашни айтинглари», дейиладиган бўлди. Унинг бу даражага етишига шайх Мустафо Исмоилга таклид қилиб, унга ўхшатиб тиловат қилиши хам катта сабаб бўлган. У Мустафо Исмоилга шу қадар ўхшатардики, хатто бир қуни шайх Мустафо Исмоил радиода Роғиб Мустафо Галвашнинг тиловатини эшитиб, аввалига уни ўзи деб ўйлайди. Бироз тинглагачгина ўқиётган киши ўзи эмас, Роғиб Галваш эканини англайди. Шу билан бирга, шайх Роғибда ўзига хослик хам балқиб турарди.

Мустафо Исмоил бир жойда Галвашни учратиби колиб, уни рухлантириб, шундай дейди: «Мен сен билан фахрланаман. Овозингнинг гўзаллиги ва тиловати ажойиб суратда адо килишинг мени жуда хурсанд килади. Сен тез орада машхур корилар орасида ёркин юлдуз бўлиб порлайсан, иншааллох. Бунга сенинг имкониятларинг етарли».

Рогиб Мустафо Галваш 1970 йил Лондондаги Ислон марказининг чакириги билан Рамазон ойини ўша ерда ўтказди ва унинг гўзал кироатлари таъсирида бир канча гайридинлар Ислонни қабул қилишди.

Шайх Галваш 30 йилдан ортиқ жахоннинг йирик давлатларига Куръони Карим тиловати учун сафарлар қилди. Рамазон ойларида турли тадбирлар, расмий йигинларда кироат қилиб беришлари учун жуда кўп араб ва мусулмон мамлакатларга таклиф қилинар эди. Форс кўрфазидаги давлатларда у кишининг тўлик мураббат хатмлари эрта-ю кеч радиога узатилиб туради. У киши ҳаётининг сўнги пайтларигача Аллохнинг каломи тиловати билан дилларга нур ва ҳузур таратиб келди. Мисрнинг энг йирик масжидларида қилган тиловатлари тўғридан-тўғри телевизор ва радиога узатилар эди. Шу билан бирга, у киши ҳаётининг сўнгигача гўзал кироат шайдоларига устозлик ҳам қилди.

### ***Шайхнинг унутилмас хотираларидан***

Шайх Галваш айтади: «1961 йил харбий хизматдалиқ пайтимда Ички ишлар Вазирлигининг бир ходими вафот этди. Шу муносабат билан «Аббосия» майдонида катта мотам маросими ташкил қилинди. Кўмондон менга: «Эй Рогиб, кечаси «Аббосия»да аза маросими ўтказилади, унга чакирилган қори ёнида сен ҳам иштирок этасан», деди. Мен: «Хўп бўлади», дейишдан бошқа гап айта олмадим. Шомни ўқиб, майдонга етиб бордим. Бунақа катта йигинни ўша пайтгача кўрмаган эдим. Бутун атрофни овозқучайтиргичлардан таралаётган Куръон садоси қуршаб олган эди. Бу сас шайх Абдулбосит Абдуссамаднинг овози эди. Шунда ўзимга-ўзим: «Эй Рогиб, бу тенги йўқ қорининг олдида сенга нима бор?» дедим. Зеро, шайх Абдулбосит чексиз имкониятга эга

бўлган, машхур, ўз асрининг етук ва юрса ерни титратадиган забардаст кориларидан эди. Мен айна дамда Аллох таолога дуолар килиб, Ўзидан мадад сўраб илтижо килардим.

Шайх Абдулбоситнинг ёнига келиб ўтирдим. У киши мени кироат килишда шерик бўлиш учун келганимни билиб, бир-иккита оханглари билан мени хушёр килиб кўйдик, бу хол у кишининг тажвидда ва овозда нақадар юкасақ маком сохиби эканини яққол намоён этарди. Кироатлари тугашига мен у кишига салом бердим. У киши алик ола туриб: «Аллохнинг изни билан муваффақ бўласан», деб кўйди. Минбарга чикиб, кироат килар эканман, гўё раббоний тажаллий ва илохий тавфик устимга ёгилаётгандек бўлди. «Содаколлохул-ъазийм» деганимда одамлар турли мактов ва олқишлар айта кетишди.

1965 йил радиога аъзо бўлганимдан 3 йил ўтгач, овоз ёзиш студиясидан чакирик келди. Кироат учун кундузги соат 12 дан 13 гача, деб белгилаб кўйилган экан. Ўша пайтда Манифулдаги бошка бир йигинга ҳам боришим керак эди. Шунини эътиборга олиб, тезроқ бўшаб, Мануфилга ҳам эртароқ бораман, деган режа билан ридио идорасига бир соат олдин етиб келдим. Шу пайт студияга мархум шайх Мухаммад Сиддик Миншавий ҳам келиб қолди. У киши мендан бир соат олдинга чакирилган экан. У киши: «Эй Рогиб, сенинг навбатинг қачон?» деб сўради. Мен: «Аслида навбатим бир соатдан кейин, лекин бир ерга боришга ваъда берган эдим», дедим. Шунда Миншавий хазратлари радио ходимига: «Рогибнинг ваъдаси бор экан, шунинг учун менинг навбатимни эртага ёки индинга кўчирсангиз», деди-да, хаккимга гўзал дуолар килиб, табассум билан чикиб кетди».

Шайх Рогиб Мустафо Галваш милодий 2016 йил 6 февралда Мисрда вафот этди. Жанозаси Шайхнинг номидаги «Шайх Рогиб Мустафо Галваш» масжидида ўқилди ва минглаган жамоат мархумнинг жасадини «Галваш оиласи хилхонаси»га олиб бориб, дафн қилди. Аллох таоло у кишини Ўз раҳматига олиб, бир умр севиб ўқиган Куръонини



охират хаётларида хамроху ёр айласин!

*Хасанхон Яхё Абдулмажид*

*Интернет маълумотлари асосида тайёрланди*